

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ**

**ҒУЛОМОВА ХИЛОЛА АЗИЗОВНА**

**АФЗАЛИЙНИНГ «МАЖМАЪ УЛ-МАСОИЛ» АСАРИ ҚЎЛЁЗМА**  
**НУСХАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УЎК:930.1  
КБК:63.2  
F-92

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Гуломова Хилола Азизовна**

Афзалийнинг «Мажмаъ ул-масоил» асари қўлёзма нусхаларининг  
киёсий-текстологик тадқиқи.....3

**Гуломова Хилола Азизовна**

Сравнительно-текстологическое исследование рукописей «Мажмаъ ал-  
масайл» Афзали ..... 25

**Gulomova Khilola Azizovna**

Comparative textual study of manuscript copies of «Majma' al-masail» by  
Afzali ..... 49

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 53

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ДАВЛАТ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ**

**ҒУЛОМОВА ХИЛОЛА АЗИЗОВНА**

**АФЗАЛИЙНИНГ «МАЖМАЪ УЛ-МАСОИЛ» АСАРИ ҚЎЛЁЗМА  
НУСХАЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ-ТЕКСТОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

**10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fil.633 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида ([www.tsuos.uz](http://www.tsuos.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳасанов Саидбек Рустамович**

филология фанлари доктори, профессор

**Раҳмонов Насимхон Асқарович**

филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Имомназаров Муҳаммаджон Султонович**

филология фанлари доктори, профессор

**Шодмонов Нафас Намозович**

филология фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори  
институтини**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 йил соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.М. Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Р.А. Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д.

**Қ.Ш. Омонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон илм-фани юксалишида Мовароуннаҳр олимларининг хизматлари улкан экани, «Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган она заминимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлгани»<sup>1</sup> эътироф этилди. Ёш авлодни илм-маърифатли қилиб тарбиялашда «Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак»<sup>2</sup>. Чунки жаҳон цивилизацияси ривожда аниқ фанлар қатори тафсир, фикҳ, ақоид каби илмлар ҳамда уларнинг мазмунини қамраб олган илмий-адабий асарлар муҳим мавқе эгаллаган. Илмий асарлар мазмун-моҳиятини халқ онгига осон ва тез сингдириш ҳамда тарғиб қилишда манзумаларнинг ўрни бекиёсдир.

Дунё матншунослиги ва манбашунослигида араб, форс-тожик, туркий ҳамда бошқа тилларда ёзилган тарбиявий аҳамиятга молик илмий манбалар, хусусан, фикҳий манзумаларнинг каталогларини тузиш, қўлёзма нусхаларининг монографик тавсифини амалга ошириш, илмий кўрсаткичлар билан таъминланган йиғма-қиёсий матнларини тайёрлаш, уларни тарихий-филологик жиҳатдан ўрганиш ва нашр этиш зарурати мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда юртимиз олимларининг «араб ёзувидаги турли мавзуларга оид ёзма ёдгорликлар ва эпиграфика намуналарини тадқиқ қилиш, уларни асл ҳолида ҳамда ўзбек ва хорижий тилларда илмий изоҳлар, таржималар билан нашр этиш, илмий муомалага киритиш»<sup>3</sup> ўзбек шарқшунослигининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Булар сирасига ўзбек адабиёти тарихида шу кунгача номаълум бўлиб келган Афзалий тахаллусли олим ва шоирнинг фикҳ масалаларига бағишланган «Мажмаъ ул-масоил» манзумаси ҳам қиради. Бу ўз навбатида, XVIII асрга оид мазкур фикҳий-таълимий мавзудаги манзуманинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ва илмий-адабий манба сифатидаги аҳамиятини аниқлаш заруратини туғдиради. Шу нуқтаи назардан асар мазмунини ёритиш мақсадида унинг йиғма-қиёсий матнини тузиш, фикҳий масалаларни баён этишга асос бўлган манбалар ва адиб қўллаган бадий услубни аниқлаш матншунослик ва адабий манбашуносликда долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-itiv-30-09-2020>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-itiv-30-09-2020>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори // Халқ сўзи, – 2017. – 25 май.

2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон «Ўзбекистонда Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация асосли даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Туркий тилларда адабий-диний йўналишга оид манзумалар ёзган ижодкорлар озчиликни ташкил этади. Алишер Навоийнинг «Сирож ул-муслимийн» ва «Арбаъин»<sup>4</sup> асарлари манба сифатида бу мавзуда ижод намуналарининг пайдо бўлишига туртки бўлди. Бу мазмундаги ижодни Заҳириддин Муҳаммад Бобур давом эттириб, ўзбек мумтоз адабиётининг XVI асрга оид фикҳий таълимий мавзудаги ноёб илмий-адабий ёдгорлик ҳисобланмиш «Мубаййин»<sup>5</sup> номли назмий асарни эски ўзбек тилида яратди. Бу асар яқин кунларгача шариат аҳкомлари ҳақида ўзбек тилидаги ягона йирик назмий асар деб эътироф этилган<sup>6</sup>. А.Самойлович, Е.Березин, Д.Росс, Ф.Кўпрулузода, С.Азимжонов, С.Шукруллаева<sup>7</sup> каби олимларнинг тадқиқотлари ва нашрларида ушбу асарга доир маълумотларни кузатиш мумкин. Н.Расулзода «Мубаййин» кўлёмалари нусхаларини тадқиқ қилиб, улар асосида илмий-танқидий матн яратди<sup>8</sup>.

Юртимиз кўлёмза фондларида сақланаётган манбаларни ўрганиш асносида Бобурдан кейин ҳам фикҳий-таълимий мавзуда асарлар ёзилгани

<sup>4</sup> Алишер Навоий. Сирож ул-муслимийн. Матнни нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. – Т.: Фан, 2000. [www.ziyouz.com/kutubxonasi](http://www.ziyouz.com/kutubxonasi); Алишер Навоий. Арбаъин. нашрга тайёрловчилар: К.Ҳасан, С.Ҳасан, Шарҳловчи А.Рустам. – Т.: Мерос, 1991.

<sup>5</sup> Ҳ. Ҳасанов. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Мубаййин” асари муҳим адабий-диний манба. – Т.: Mumtoz soʻz, 2015.

<sup>6</sup> Қаранг: Бобур энциклопедияси, – Т.: “Sharq” нашриёт матбааси, 2014. – Б. 348.

<sup>7</sup> Самойлович А.С. Собрание стихотворений императора Бабура. – СПб. 1917; Березин Е. Турецкая хрестоматия, том I, Imprimerie De L'Universite, Kazan, 1857. – С. 226-272; Росс Д. Император Бобурнинг шеърий тўплами. Осие жамияти ж., №6 / Калькутта. 1910. – Б. 18; Кўпрулузода Ф. Миллий татаббуълар мажмуаси. Истамбул. 1931.– Б.84; Азимжонов С. Индийский диван Бабура. – Т.: Фан, 1966; Шукруллаева С. Бобурнинг “Мубаййин” асари кўлёмалари ҳақида // Адабий мерос. – Т.: 1982, № 4. – Б. 45-47.

<sup>8</sup> Расулзода Н. Бобурнинг “Мубаййин” асари ва унинг илмий-танқидий матни. Филол. фан. номз...дис. автореф. – Т.: 1995.

аён бўлмоқда. Бу жиҳат ўз навбатида, уларни алоҳида ўрганиш, янги адабий фикҳий топилмаларни тадқиқ қилиб, илмий муомалага киритиш заруратини тақозо этади. Соҳа бўйича Бобурнинг «Мубаййин» асаридан кейин ҳам бу йўналишда ёзилган Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизин» асари ва унинг шарҳлари билан боғлиқ тадқиқотлар<sup>9</sup>, тасаввуф таълимоти ва анъаналари ўрганилган илмий мақолалар<sup>10</sup> нашр этилди.

Шунингдек, бу йўналишда ҳозиргача шахсияти ва фаолияти илм аҳлига номаълум бўлган, эски ўзбек тилида Афзалий тахаллуси билан ижод қилган шахснинг «Мажмаъ ул-масоил» номли манзумаси ҳам мавжудлиги муҳим илмий аҳамият касб этади. Аммо шарқшуносликда бу асар хусусида ҳанузгача бирор тадқиқот амалга оширилган эмас. Мазкур диссертация айти манзуманинг текстологик тадқиқига бағишланган.

«Мажмаъ ул-масоил» асари нусхалари<sup>11</sup> Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Ўзбекистон Мусулмонлар идораси кутубхонаси қўлёзма фондларида сақланмоқда. Булардан таянч нусха<sup>12</sup> сифатида қабул қилинган қўлёзма мажмуа шаклида бўлиб, умумий ҳажми 250 варақ, «Мажмаъ ул-масоил» мажмуанинг 48б-192а саҳифаларини қамраб олган.

Мазкур асарнинг «Кифоя», «Саҳиҳ ул-Бухорий», «Мухтасар ул-виқоя», «Ҳидоя», «Тухфат ул-фуқаҳо», «Ҳайрат ул-фуқаҳо», «Мухтасар ул-Кудурий», «Мухтасар-и Мухити Бурхоний», «Воқеот», «Мухтор ул-фатаво», «Хулоса», «Канз уд-дақоик», «Татархония», «Салот ул-Масъудий»<sup>13</sup> ва шу

<sup>9</sup> Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Нашрга тайёрловчи: Р.Зоҳид. – Т.: Чўлпон, 1991. – 127 б. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. Нашрга тайёрловчилар: Ҳожи Пўлатқори Муҳаммад Али, Маҳмуд Ҳасаний, Мирсолиҳ Қосим. – Т.: Меҳнат, 1991. – 95 б.; Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Нашрга тайёрловчи: Рашид Зоҳид. – Т.: Санъат журнали нашриёти, 2007. – 155 б.; Сўфи Оллоёр. Саботул ожизин. Шарҳи билан манзума. Нашрга тайёрловчилар: Афзалов Зокирхон Ҳожи Шокирхон ўғли, Камола Ғаффор кизи. – Т.: Мовароуннаҳр, 1997. – 215 б. Тожуддин Ёлчиқул. Рисолайи Азиза. Тузувчи: Б.Ҳасан. – Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2000. – 255 б. Сўфи Оллоёр. Маслакул муттақин. Таржимон: Қўзихўжа Ҳафизхўжа ўғли; нашрга тайёрловчилар: С.Сайфуллоҳ, А.Дехқон. – Т.: Мовароуннаҳр, 2007. – 415 б. Ҳабибуллоҳ ибн Сайид Яхёҳон. Ҳидоят ул-толибин. Нашрга тайёрловчи: О.Алимов. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 313 б.; Маханова Р. Творчество Суфи Аллаёра и его традиции в татарской литературе: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. – Казань, 2008. – 30 с; Ильясова Г.Р. Лингвотекстологические особенности произведений «Сабат ал-гаджизин» Аллаёра Суфи и «Рисала-и Газиза». Т.Ялсыгулова: Автореф. дис. ...канд.филол.наук. – Уфа, 2009. – 35 с.

<sup>10</sup> Қаранг: Abid Nazar Mahdum. On the sources of Sebātul-ācizin by Sufi Allayar. Tūrkiyat Mejmuaṣi, C.21/Gīz, 2011; Michael Kemper. Islamic Studies in Honor of Stefan Reichmuth. –University of Amsterdam, 2017.

<sup>11</sup> Афзалий. Мажмаъ ул-масоил. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. Инвентарь рақам 8398, 6427, 554, 555, 12470, 3722, 9146, 1343, 12049, 6264, 2810, 2207/1, 1969, 3708, 5509; Афзалий. Мажмаъ ул-масоил. ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фонди. Инвентарь рақам 646; Афзалий. Мажмаъ ул-масоил. Ўзбекистон Мусулмонлар идораси кутубхонаси қўлёзмалар фонди. Инвентарь рақам 885.

<sup>12</sup> Афзалий. Мажмаъ ул-масоил. С. Ҳасановнинг шахсий кутубхонаси.

<sup>13</sup> Бурхонуддин Марғиноний. Ҳидоя. Масъул муҳаррирлар А.Саидов, М.Нуриддинов. – Т.: Адолат, 2000. – 848 б.; Алоуддин Самарқандий. Тухфат ул-фуқаҳо. II-III жилдлар. Байрут.: Дор ал-кутуб ал-илмийя. (йили кўрсатилмаган). – 760 б.; Алоуддин Бухорий. Ҳайрат ул-фуқаҳо. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (Ҳ.Сулаймон фонди). Қўлёзма. № 2012. – 198 в.; Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кудурий ал-Бағдодий. Мухтасари Кудурий. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзма. № 8556. – 112 в.; Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Муҳаммад ас-Сарахсий. Мухтасари Мухийти Бурхоний. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзма. № 5964. – 827 в.; Абдулазиз Бухорий. Китоб ул-воқеот. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Қўлёзма. № 3951. – 450 в.; Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Тоҳирий. Мухтор ул-фатово.

йўналишдаги бошқа эътиборга лойиқ асарларда кўтарилган диний масалаларнинг ўзбек тилидаги шарҳидан иборат эканлиги уни илмий-адабий манба сифатида ўрганишни тақозо қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган муассаса илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг ПЗ-20170920167 рақамли «Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган тошбосма асарларнинг электрон каталогини яратиш ва нашрга тайёрлаш» мавзусидаги илмий тадқиқот доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Афзалийнинг «Мажмаъ ул-масоил» асари кўлёзма нусхаларининг қиёсий-текстологик тадқиқини амалга ошириш орқали уни фикҳга оид илмий-адабий манба сифатида асослаб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Афзалий ҳаёти ва ижоди тўғрисида манбаларда мавжуд маълумотларни тўплаб, уларни умумлаштириш;

«Мажмаъ ул-масоил» асарининг ўзбек мумтоз адабиёти тарихида илмий-адабий манба сифатидаги хусусиятларини очиб бериш;

«Мажмаъ ул-масоил» асарида қўлланилган бадиий тасвир воситаларини аниқлаш ва уларнинг вазифаларини ёритиш;

«Мажмаъ ул-масоил» асари кўлёзма нусхаларини аниқлаш ва уларнинг тавсифини амалга ошириш;

Асарнинг йиғма-қиёсий матнини тузиш тамойилларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Афзалийнинг профессор С. Ҳасанов шахсий кутубхонаси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (8398 рақамли) ва Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи (646 рақамли) фондларида сақланаётган «Мажмаъ ул-масоил» манзумаси кўлёзма нусхалари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни «Мажмаъ ул-масоил» манзумасида ифодасини топган фикҳий масалаларнинг бадиий талқини ва асар кўлёзма нусхаларининг қиёсий-текстологик тадқиқи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари**ни илмий тавсифлаш, таснифлаш, қиёсий-тарихий, контекстуал ва комплекс таҳлил усуллар ташкил қилади. Шунингдек, ишда ҳозирги адабий манбашунослик соҳасида эришилган ютуқлар, текстологик тадқиқотлар ва улардаги таҳлил методларига хос тамойилларга амал қилинди.

---

ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Кўлёзма. № 3197. – 702 в.; Абдуллатиф. Хулосат ул-фикҳ. ЎзР ФА Шарқшунослик институти. Кўлёзма. № 9164. – 450 в.; Абул Баракот Абдуллох ибн Аҳмад ибн Маҳмуд Насафий. Канз уд-дақоқ. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Кўлёзма. № 7573. – 200 в.; Олим ибн Алоул Ҳанафий. Татархонийя. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. Кўлёзма. № 6835. – 500 в.; Масъуд Самарқандий. Салоти Масъудий. ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. № 4041. 1333 й. Самарқанд шаҳрида котиб Носир ибн Муҳаммад ибн Умар Кирмоний Ғазнавий томонидан сулс хатида кўчирилган. 244в.; <https://www.noor-book.com/-pdf>; <https://ar.wikisource.org/wiki>; [https://archive.org/details/ Muxtasorul Viqoya--/page/n7/mode/2up](https://archive.org/details/MuxtasorulViqoya--/page/n7/mode/2up)



### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

«Мажмаъ ул-масоил» манзумаси муаллифи Афзалийнинг ислом илмларини пухта эгаллаган шахс экани асар матнига таянган ҳолда аниқланган ҳамда у Ҳасанхўжа Нисорийнинг «Музаккир ул-аҳбоб», Мутрибий Самарқандийнинг «Нусҳаи зебои жаҳонгир» ва «Тазкират уш-шуаро» асарларида келтирилган Афзалийлар шахсига мос келмаслиги далилланган;

Афзалий фикҳ масалаларини ёритишда «Кифоя», «Саҳиҳ ул-Бухорий», «Мухтасар ул-виқоя», «Ҳидоя», «Тухфат ул-фуқаҳо», «Ҳайрат ул-фуқаҳо», «Мухтасар ул-Қудурий», «Мухит», «Мухтасар ул-хизона», «Хулоса», «Шарҳ ул-авродиййа», «Қозихон», «Канз ул-ъибод», «Салот ул-Масъуд» каби илмий манбаларга асослангани очиб берилган;

Афзалийнинг «Мажмаъ ул-масоил» асарида тажнис, тавзеъ, тарсеъ, иштиқоқ каби лафзий санъатлар, илтифот, таъдид, таносуб, мутобақа, иқтибос сингари маънавий санъатлар, қофиянинг энг фаол тури сифатида муқайяд-и мужаррад, ўртача фаол тури сифатида мутлақ қофиянинг васлли, хуружли, мазидли ва нойирали турлари қўллангани асосланган;

«Мажмаъ ул-масоил» асарининг Тошкент фондларида мавжуд қўлёзма ва тошбосма нусхалари илмий тавсифланиб, улардан профессор С. Ҳасановнинг шахсий кутубхонаси, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (8398 рақамли), Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи (646 рақамли) фондларида сақланаётган қўлёзма нусхалари қиёсланган ҳолда йиғма-қиёсий матн тузиш тамойиллари ишлаб чиқилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Афзалийнинг «Мажмаъ ул-масоил» асарида фикҳ масалалари «Кифоя», «Саҳиҳ ул-Бухорий», «Мухтасар ул-виқоя», «Ҳидоя», «Тухфат ул-фуқаҳо», «Ҳайрат ул-фуқаҳо», «Мухтасар ул-Қудурий», «Мухит», «Мухтасар ул-хизона», «Хулоса», «Шарҳ ул-авродиййа», «Қозихон», «Канз ул-ъибод», «Салот ул-Масъуд» каби машҳур манбалар асосида ёритилгани аниқланган;

«Мажмаъ ул-масоил»нинг Тошкент шаҳри фондларида мавжуд бўлган ўн саккизта қўлёзма ва бешта тошбосма нусхасининг илмий тавсифи амалга оширилган бўлиб, ижодкор маҳорати масаласи асарда қўлланган қофия турлари, бадий санъатлар мисолида ёритилган ҳамда «Мажмаъ ул-масоил»нинг йиғма-қиёсий матни тузилган ва матнлардаги фарқлар аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тарихийлик тамойили асосида турли илмий-назарий қарашларга эга тадқиқотчиларнинг фаразлари ўрганилганлиги, тадқиқотда Афзалийнинг С. Ҳасанов шахсий кутубхонасида сақланаётган «Мажмаъ ул-масоил» асари қўлёзмаси таянч, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг асосий фондида сақланаётган 8398 рақамли қўлёзма ҳамда Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланаётган 646 рақамли қўлёзманинг ёрдамчи нусха сифатида танлангани, тадқиқотда объективлик тамойили асосидаги методларга таянилгани,

тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, унда ўз аксини топган илмий хулосалар мумтоз адабиёт тарихи, туркий халқлар адабиёти ва жанр хусусиятлари, илмий-адабий йўналишдаги асарларнинг манбашунослик ва матншунослик масалаларини тадқиқ этишда илмий-назарий манба сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундан Олий ўқув юртининг филология факультетларида адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, туркий тиллар, мумтоз шарқ адабиёти каби предметлар мазмунини бойитиш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулотлари ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Афзалийнинг «Мажмаъ ул-масоил» асари қўлёзма нусхаларининг қиёсий-текстологик тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

фикҳга оид эски ўзбек тилида ёзилган назмий асарлар, хусусан, Алишер Навоийнинг “Сирож ул-муслимийн”, “Арбаъийн”, Бобурнинг “Мубаййин”, “Рисолайи волидийа”, Сўфи Оллоёрнинг “Сабот ул-ожизин”, Ҳувайдонинг “Роҳати дил” асарларига оид натижалардан ОТ-Ф1-71 рақамли “Илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида этно-лингвистик вазият” мавзуидаги лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 15 сентябрь 89-03-3325-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек шеърлятида илк ва ўрта асрлар Марказий Осиё минтақасида ислом фикҳига оид назмий асарлар туркий тилда ҳам яратилганлиги ҳамда кенг тарқалганлиги масалаларини ёритиб беришга хизмат қилган;

Афзалий томонидан ёзилган “Мажмаъ ул-масоил” асарининг Тошкент шаҳри фондларида сақланаётган қўлёзмалари тавсифи, миқдори, сифатига оид илмий хулосалар ва С.Ҳасановнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган Афзалийнинг “Мажмаъ ул-масоил” асари қўлёзмаси электрон нусхаларидан Ғафур Ғулом уй-музеи сайтида ташкил этилган “Нодир манбалар” рўқни онлайн экспозициясини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлигининг 2020 йил 19 октябрь 01-12-10-4664-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек мумтоз адабиёти манбалари, музей фондида сақланаётган қўлёзма асарларнинг электрон каталоги ҳамда музей фондидаги ўзбек адабиётига доир экспозицияларнинг экскурсия матнлари бойитилган;

Афзалийнинг “Мажмаъ ул-масоил” асари тошбосма ва қўлёзма нусхаларининг қиёсий-текстологик хусусиятларига доир маълумотлардан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон тарихи» телеканалининг “Такдимот” кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 20 март 02-40-626-сон маълумотномаси). Натижада томошабинларга “Мажмаъ ул-масоил”

асарининг мазмуни, мумтоз адабиёт намояндаларининг илмий-адабий асарлари ҳозирда ҳам аҳамиятли экани ҳақидаги маълумотлар етказилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 17 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, хусусан, 3 та республика, 4 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Мазкур тадқиқот кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ҳажми 137 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатиб берилган.

Диссертациянинг «**Афзалий ва унинг «Мажмаъ ул-масоил» асари**» деб номланган биринчи боби икки фаслдан иборат. Бобнинг 1-фасли «*Афзалий таржимаи ҳоли манбалари*» деб аталган. Ўзбек манбашунослиги ва матншунослигида ўзбек мумтоз адабиётининг илмий-адабий, хусусан диний мазмундаги асарларни тадқиқ этиш ва илмий муомалага киритиш ишлари йўлга қўйилган. Чунончи, Алишер Навоийнинг «Сирож ул-муслимийн», «Арбаъийн», Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййин», Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул-ожизийн», Ҳувайдонинг «Роҳати дил» асарларининг илм аҳлига ва кенг жамоатчиликка тақдим этилганлигини кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу асарларнинг чоп этилиши халқимизни, айниқса, ёш авлодни ислом динининг туб моҳияти, унинг кўрсатмаларига оғишмай амал қилиш барча инсонлар манфаати йўлида эзгуликка хизмат қилишга етакловчи ўғитлар орқали тарбиялашга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Хусусан, «Сирож ул-муслимийн» асари уч қисмни ўз ичига олган 206 байтдан иборат. Рисола муқаддима, ислом ақидалари, таҳорат, ғусл, намознинг суннат ва фарзлари, шунингдек, закот, рўза ҳамда ҳаждан иборат ислом рукнлари баёни ва хотимадан ташкил топган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мубаййин» асари икки қисмдан иборат. Биринчи қисм «Эътиқодия» деб номланган. Иккинчи қисмдан «Китоб ус-салот», «Китоб уз-закот», «Китоб ус-савм», «Китоб ул-ҳаж» номли

тўрт шаръий фарз баёни жой олган бўлиб, жами 159 сарлавҳали 2253 байтдан иборат<sup>14</sup>.

«Сабот ул-ожизин» манзумасида ақида масаласи ёритилган. «1680 байтлик бу асар ҳар бири алоҳида мавзу билан ажралиб турувчи 81 та манзумадан ташкил топган. Асар таркибий тузилишини айрим ташқи ва ички белгиларидан келиб чиқиб, шартли равишда қуйидагича таснифлаш мумкин: 1) ақида илмига оид мавзулар баёни; 2) ҳикоятлар; 3) муножотлар; 4) насиҳатлар»<sup>15</sup>.

«Роҳати дил» достони 30 боб ва Иброҳим Адҳам қиссасидан иборат диний-таълимий асар бўлиб, унда ислом ва тасаввуф таълимотининг умуминсоний ғоялари ҳикоятлар орқали баён этилади<sup>16</sup>.

Айни мавзуда ўзбек тилида яратилган ва ўзбек адабиёти тарихида бугунги кунгача номаълум бўлиб келган Афзалийнинг «Мажмаъ ул-масоил» асари ҳам шундай обидалар туркумига киради. Бу эса ўз навбатида, XVIII асрга оид фикҳий-таълимий мавзудаги ушбу ноёб ёдгорликни қиёсий-текстологик жиҳатдан тадқиқ қилиш, унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ва адабий-диний манба сифатидаги аҳамиятини аниқлаш заруратини туғдирди.

Афзалийнинг ҳаёти ва жамиятда тутган ўрни ҳақида манбаларда маълумот келтирилмаган. Тадқиқотга жалб қилинган тазкираларда бир неча Афзалий таҳаллусли шахслар ҳақида маълумот бор. Бу Афзалийларнинг тадқиқот доирасидаги «Мажмаъ ул-масоил» номли асар яратганлиги ҳақида хабар мавжуд эмас. Бундан ташқари, мазкур манбаларда келтирилган Афзалий таҳаллуси билан ижод қилган шоирларнинг бирортаси ҳам ўзбек тилида ижод қилгани ҳақида маълумотлар йўқ. Шу боис Афзалий ҳаёти борасидаги маълумотларни асарнинг ўзидан ахтаришга тўғри келди.

«Мажмаъ ул-масоил»дан ижодкорнинг бу назмий асарни ёзишдан кўзлаган мақсади, унинг номланиши, битилган санаси ва муаллиф шажарасининг кимга бориб тақалиши ҳақидаги маълумотларни аниқлаб олиш мумкин. Хусусан, шоир асарнинг кириш қисмини анъанавий ҳамду санолар билан бошлаб, асарнинг якунига етишида Яратгандан мададлар тилайди. Бандаларнинг тоат-ибодатлари мукамал бўлиши ва Ҳақ таоло томонидан қабул бўлиши учун илм толибларининг билишлари лозим бўлган араб тилидаги Абу Ҳанифа мазҳабидаги фикҳ масалаларини туркий тилда баён этишни мақсад қилганлиги, асарни туркий тилида ёзиш катта маҳорат талаб қилиши, туркий тилнинг ўзи бир олам эканлигини алоҳида қайд қилиб ўтади.

Афзалий ўз асари номи ва унинг ёзилган йили ҳақида китоб хотимасида эслатиб ўтган:

خاتمت الكتاب نينك بيانى

<sup>14</sup>Қаранг: Захириддин Муҳаммад Бобур. Мубайин. Нашрга тайёрловчи: Ҳ.Ҳасанов. – Т.: Мовароуннаҳр, 2014. – Б. 13.

<sup>15</sup>Зоҳидов Р. «Саботул ожизин» асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Филол.фанлари док. дис...автореф. – Т., 2018. – Б. 14.

<sup>16</sup> [https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Xo‘janazar\\_Huvaydo](https://uz.m.wikipedia.org/wiki/Xo‘janazar_Huvaydo)

کیم او قوسه فهم ایتب الغای صواب  
من قویوب طالب لاره قیلدیم تمام  
هم بتلدی بعد هجرت ای لیاب  
من تمام ایتیم بو نظم پر کهر (C, 191a).

نظم ایله قیلدیم تمام اوشبو کتاب  
مجمع المسایل آتین ای کرام  
بر مینک یوز اون بر ایردی بو کتاب  
غره شهر رجب ده ای پسر

Асардаги бу лавҳалардан Афзалий ўз асарига «Мажмаъ ул-масоил» деб ном қўйгани, бу асарни ҳижрий 1111 йил, яъни милодий 1699/1700 йилнинг охирида ёзиб тугатганлиги ва бу асар асосига Абу Ҳанифа мазҳабига оид манбалар асос қилиб олиниб, у туркий китобхонлар учун мўлжаллангани маълум бўлади.

«Мажмаъ ул-масоил»нинг «Дар баёни қовли атиббо дар жамиъ узв», яъни табибларнинг барча аъзолар ҳақидаги сўзлар баёни бобининг охириги мисраларида ўзининг насл-насаби ҳақида шундай маълумот келтиради:

يانجيب اول كوزينه تارتسون ای سنی  
نظم ایتب افضل سنكا ایدی اصیل  
دایما کونکیده حقنی یادیده دور (C, 185a).

یعنی اول ایرکک توقنی اوتینی  
بیشک اول تابقای شفا ای اهل دل  
افضلی بیلسنک علی اولاددور

Демак, Афзалий саййидлардан бўлиб, чорёрларнинг тўртинчиси ҳазрат Алий (р.а) шахсиятига бориб тақалиши мазкур байтдаги сўзлардан аниқлашади. Олим «Мажмаъ ул-масоил» асарини умрининг охирида ёзиб тугаллаган деб ҳисобланса, унинг яшаб ижод этган даври XVII аср ўрталари ва XVIII аср бошларига тўғри келади.

I бобнинг иккинчи фасли «*Мажмаъ ул-масоил*» манбалари ва уларнинг назмий талқинлари» деб номланади. Манзуманинг айрим қўлзма нусхалари хошияларида араб ва форс тилида қайдлар келтирилган. Уларнинг миқдори турли қўлзмаларда турлича. Бу қайдларнинг аксарияти уламоларнинг Қуръони Карим, ҳадислар ёки шариат аҳкомлари асосларига бағишланган асарларидан олинган. Шарҳ қилинаётган қайдларнинг аксарияти кам ўрганилган масалаларга бағишланган. Масалаларнинг жавобларида уларнинг манбалари ҳам акс этган. Масалан, Афзалий таҳорат учун қўлланиладиган сув масаласида дастлаб сўзни «Сув васфининг баёни»дан бошлайди:

سونی وصفینی بیانی

بری طعم بری رنگ بری بو  
چون وضو قیلسانک روا دور ای پسر  
روا ایرمس طهارت انده بیلغیل  
سن عمل قیل قولیغه بیلیب امین  
قیلدی منظومه شرح مختصر (C, 516).

اوج وصف اولدی سوغه ای نیکخو  
کیتسه بر وصف ایکی سی قالسه اکر  
توروب بر وصف اکر ایکیسی زایل  
دیدى نعمان اول امام مسلمین  
کوردی افضل هم خلاصه مختصر

Бу талқин Имом Аъзам сўзларига таянилган бўлиб, «Мухтасар ул-виқоя» асарида қайд қилинган ва унинг араб тилидаги матни қуйидагича келтирилган:

إلا إذا غير طعمه أو لونه أو ريحه لايجوز الوضوء (مختصر الوقاية).

Мазмуни: Агар (сувнинг) ўз таъми ёки ранги, ёки ҳиди бўлмаса, унда таҳорат қилиш жоиз эмас.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Мубаййин» асарида бу ҳақда шундай мисраларни битган:

Лавн ё таъм, йоҳуд ис бирла,  
Мутағаййир эса нажас бирла.

Билингиз ушбу сувни ариғсиз,  
Ижтиноб айлангиз, гар ариқсиз<sup>17</sup>.

Қўлёманинг 1746 саҳифасининг ҳошиясида «Солат ул-масъуд» асаридан ушбу жумла келтирилган:

و من أكله السبع أو حرق النار فهو شهيد حقيقي (صلوة مسعود).

Мазмуни: Кимни бўри еса ёки оловда куйса, у ҳақиқий шаҳиддир. Афзалийнинг бу ҳадис мазмунига мос келувчи сатрлари қуйидагича:

خدا يادیده اولسه شهیددور

بس شهید اولغای بقول اول رسول  
اول معارفین کوروب قیلدی ندا  
در حقیقت اول شهید اولدی یسر  
کوردم نظم ایلا دیم قیلمه منی  
باتئای احمدی مرشد تمام (C, 1746).

کیم خدا شوقیده اولسه بیشک اول  
نظم ایتب افضل حدیث مصطفی  
بورى یسه اوتقه کویسه مختصر  
من صلوة مسعودی هم عمدہ نی  
هم طریق احمدی ای کرام

Афзалий ўзининг «Мажмаъ ул-масоил» асарида фикҳга оид бир қанча асарлардан, жумладан «Ҳайрат ул-фуқаҳо», «Шарҳи авродия», «Мухтасар ул-виқоя», «Қозихон», «Дажизий», «Мухтасар», «Хулоса», «Ҳидоя», «Канз ул-ъибод», «Солат ул-масъуд», «Фавойид», «Арбаъин» ва бошқалардан фойдаланганини келтириб ўтган.

Диссертациянинг II боби «**«Мажмаъ ул-масоил» асари қўлёмма ва тошбосма нусхаларининг илмий тавсифи ва текстологик тадқиқи**» деб номланади. Биринчи фаслда «*Мажмаъ ул-масоил*» асарининг қўлёмма ва тошбосма нусхалари тавсифи амалга оширилган. Бу фаслда ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондларида сақланаётган қўлёмма ва тошбосма нусхалар, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида сақланаётган қўлёмма нусха, Ўзбекистон Мусулмонлар идораси кутубхонаси қўлёммалар фондида сақланаётган нусха, Ўзбекистон халқаро Ислом Академиясининг «Манбалар хазинаси» бўлимида сақланаётган тошбосма нусхаси, профессор С.Ҳасановнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган қўлёмма нусхалар<sup>18</sup>нинг

<sup>17</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Мубаййин. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Ҳасанов. Мовароуннаҳр, 2014. – Б. 48.

<sup>18</sup> Йиғма-қиёсий матн тузишда танланган қўлёммалар учун қуйидаги қисқартмалар қабул қилинди: С – таянч нусха, профессор С. Ҳасановнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган қўлёмма; Ш – ёрдамчи нусха, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланаётган 8398 рақамли қўлёмма; М – ЎзР

тўлиқ тавсифи келтирилган. Жумладан, ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида 8398 инвентарь рақам остида сақланаётган ушбу қўлёзма оддий нусхалардан бири<sup>19</sup> саналади. Матн қора сиёҳ билан настаълиқ хатида икки хил (новвотранг, юпқа, шалдиروق ва оқиш, қалин) шарқ қоғозига<sup>20</sup> битилган. Фасллар, яъни баёнлар қизил сиёҳда ажратиб кўрсатилган. Китобнинг охиригача бир хил хат бўлганлиги сабабли битта хаттот ёзган дейиш мумкин. Пойгир мунтазам қўйилган. Матн икки устунли ўн беш йўлдан жойлаштирилган. Қўлёзма хаттот Ортиқ Ниёз бин Араб хожа томонидан кўчирилган. Асар 16 саҳифадан бошланган.

Басмаладан сўнг:

برچه دين بورنه قيامته سورار اول نماز روزه حج دين كه بار.

140a варақда қуйидаги байт билан тугаган:

افضلى نظم ايلادى شاه كرم اوزى اولسه نظم قالغاي محترم.

Колофонда қуйидаги ёзувлар бор:

تمت الكتاب مجمع مسائل بعون الملك الوهاب على يد عبد الضعيف المذنب الراجى البارى الى رحمة البارى الخاكسار ارتوق نياز خواجه.

Ҳошияда асар мазмунига алоқадор бўлган фикҳий манбалардан қайдлар бериб борилган. Айрим варақларда баъзи сўзлар устига чизик тортилиб, тўғирланган. Варақларни доғ босган, суюқлик тўкилиб зарарланган, суркалишлар бор. Ёнғинда қолган, қоғоз четида куйиш аломатлари бор. Муқова қалин жигар ранг картондан ишланган. Ўлчами: 15x23 см. Қўлёзманинг умумий ҳажми 140 варақни ташкил этади.

646 инвентарь рақамли Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи фондида сақланаётган қўлёзманинг матни шарқ қоғозига настаълиқ хатида қора сиёҳ билан ёзилган, баёнлар берилмаган, ўрни бўш қолдирилган. Бир неча хаттотнинг иши. Пойгир мунтазам берилган. Матн икки устунли ўн беш йўлдан жойлаштирилган. Таркиби: 1. «Мажмаъ ул-масоил» асари (16–160а). 2. Фикҳий мавзуда арабча матн (161б–169а). 3. «Китоб ат-таҳорат» – форсча матн (169б–174а). Асар ким томонидан ва қачон кўчирилганлиги тўғрисида маълумот йўқ.

16 саҳифадан бошланиб, басмаладан сўнг:

برچه دين بورنه قيامت دا سورار اول نمازو روزه حج كبار.

Охири 159б варақда қуйидаги байт билан тугаган:

اوتوز اوغلان هر قيزه ايلاب دخول هر اوغول باشيده كوربيش دسته كل.

Колофонда шундай ёзувлар бор:

---

ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган 646 рақамли қўлёзма.

<sup>19</sup> Афзалийнинг «Мажмаъ ул-масоил» асарининг барча нусхалари қўлёзманинг оддий нусхалар таркибига киради.

<sup>20</sup> Кейинги ўринларда умумий тарзда шарқ қоғози деб берилди, аксариятида Қўқон қоғозидан фойдаланилган: бири новвотранг, юпқа, шалдиروق; иккинчиси оқиш, қалин қоғоз. Қаранг: Содиков Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Т., 2017. – Б.74

Баъзи варақларни доғ босган, сув зарарлаган, суркалишлар бор. Айрим варақларда хато устига чизиқ тортилиб тўғрилланган. Ушбу қўлёзманинг усти картондан, жигарранг чарм қопланган. Лабагида оқ қоғозга 646 рақами ёзиб ёпиштирилган. Ўлчами: 14,5x25 см. Ҳажми 174 варақни ташкил этади.

Мазкур тадқиқот иши учун таянч нусха сифатида қабул қилинган профессор С. Ҳасановнинг шахсий кутубхонасида сақланаётган қўлёзма мажмуанинг матни қора сиёҳ билан настаълиқ хатида шарқ қоғозига битилган. Масалалар қизил сиёҳда ажратиб ёзилган. Матн икки устунли ўн беш йўлдан жойлаштирилган. Пойгир мавжуд. Асар ҳижрий 1286 (1869) йили хаттот Олим Сўфий Шоший томонидан кўчирилган. Қўлёзмада бўш варақлар мавжуд.

Таркиби. 1. Ҳадислар шарҳи (1а-3а); 3б-6а варақлар бўш. 2. Форс тилида никоҳда ўқиладиган сўзлар (8а); 8а-9а варақлар бўш. 3. Исломий ривоятлар талқин қилинган асар (9б-39б); 40а-41а варақлар бўш. 4. «Наврўзнама» асаридан парча (41б-42б). 5. «Солнома» ва «Таворихи анбиё» асарларидан парчалар (42б-44а); 44б бўш. 6. Имом Аъзам, Имом Молик, Имом Аҳмад ибн Ҳанбал, Имоми Шофийлар ҳақида маълумот (45а); 45б-47а бўш. 7. Ҳадисга шарҳ (47б); 48а варағ бўш. 8. «Мажмаъ ул-масоил» асари (48б-192а); 192б-196а бўш. 9. Сарём ва авлиёлар ҳақида тазкира (196б-204а). 10. Сарём ҳақида қисса (204б-217а). 11. Сарём шаҳри ҳақида шеър (217б-219а). 12. Диний мазмундаги форсча матн (220б-250б), қолган варақлар бўш. Асар 48б саҳифадан бошланган. Басмаладан сўнг қуйидаги байт келган:

بارچه دين بر بر قيامت ده سورار اول نمازو روزه حج دين كبار.

Охири 192а варақдаги байт билан тугаган:

افضلى نظم ايلادى شاه كرم اوزى اولسه نظم قالغاي محترم.

Колофонда қуйидаги ёзувлар бор:

تمت الكتاب بعناية الملك الوهاب على يد فقير الخفير قليل الاحسان كثير العصيان ملا عزيز محمد ابن ملا عالم صوفى شائسى اللهم اغفر ذنوبهما و ستر عيوبهما واحف ايمانهما فى اخر وقت بخرمت النبى و اله واصحابه اجمعين تمت.

Қўлёзманинг деярли ҳар бир варағи орасида ёзувлар суркалиб кетмаслиги учун матн ҳажмига тенг (новвотранг, юпқа, шалдирок) қоғоз мавжуд. Варақларда сариқ доғлар бор. Баъзи саҳифаларда хато ёзилган сўзлар чизиқ тўғрилланган. Муқова тўқ сариқ рангли қалин картондан ишланган бўлиб, ромб шаклида учта нақшинкор тамға туширилган. Лабаги зарарланган. Ўлчами: 15x26 см. Умумий ҳажми 255 варақни ташкил этади.

Юртимизда сақланаётган асар қўлёзмаларининг энг қадимийси XIX асрга мансуб<sup>21</sup>. Тошбосма нусхаларнинг нашр этилгани, асарга талаб катта

<sup>21</sup> Бу ерда асар билан танишиб чиқилган фондлар назарда тутиляпти. Чунки ҳар бир вилоятнинг ўз фондлари мавжуд бўлиб, халқимизда сақланаётган қўлёзмалар орасида ҳам асарнинг бундан қадимийроқ нусхаси ёки муаллиф нусхаси бўлиши мумкин.



бўлганлигидан далолат беради.

II бобнинг иккинчи фасли «*Асар қўлёзма нусхаларининг текстологик тадқиқи*» деб номланади. Мазкур тадқиқотда «Мажмаъ ул-масоил» асарининг йиғма-қиёсий матнини тайёрлаш мақсад қилинган. Манбашунос йиғма-қиёсий матн<sup>22</sup> тузиши учун матннинг қиёсий-текстологик тадқиқини амалга ошириши зарур. Бу ишни амалга оширишда қадимий нусханинг йўқлиги, нусхалар ичида муаллиф асарни ёзиб тугатган санага энг яқин қўлёзманинг мавжуд эмаслиги ва кейинги даврда ёзилган қўлёзма орасида фарқларнинг кўплиги бир мунча мушкуллик туғдирди. Таъкидланганидек, танишишга муваффақ бўлинган бошқа қўлёмалар билан солиштирилганда мазкур нусхани нисбатан тўлиқ деб ҳисоблаш мумкин. Бу қўлёзма китобат санасига кўра қадимий бўлмаса ҳам, матндаги сатрларнинг тушиб қолиши ва қусурларнинг камлиги билан эътиборлидир. Қўлёзмада асардаги деярли ҳар бир мавзу учун бир ва ундан ортиқ араб тилида ёзилган фикхий манбалардан қайдлар берилган. Айни нусха таянч нусха сифатида қабул қилиниб, шартли «С» белгиси билан белгиланди.

Йиғма-қиёсий матн тузишда ёрдамчи қўлёзма сифатида танланган иккинчи нусха ҳижрий 1235 йилда кўчирилган ЎзР ФА Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган нусха ҳисобланади. Бу нусха матннинг таянч нусха матни билан тафовутлари кўп ҳамда тўлиқ бўлмаганлиги туфайли ёрдамчи нусха сифатида қабул қилиниб, шартли «Ш» белгиси билан белгиланди. Учинчи манба сифатида ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзмалар фондида сақланаётган 646 рақамли қўлёзма танланди ва шартли «М» белгиси билан белгиланди. Бу нусханинг ёзилган санаси маълум бўлмаса-да, «Ш» нусха билан ўхшаш жойлари етарлича. Танлаб олинган қўлёзмаларни ўзаро қиёслаш жараёнида, табиийки, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, бир қатор фарқли ўринлар ва камчиликлар аниқланди.

Асарни матний тадқиқ қилишда ўзбек матншунослари қўллаб келаётган усуллардан матний тафовутларни ва кўчиришдаги хатоликларни таҳлил қилиш, қўшимчалар ва тушириб қолдиришларни аниқлаш, текстологик белгиларни аниқлаш<sup>23</sup> кабиларга диққат қилинди.

Манбаларда ҳарфларни ёзишдаги ўзига хосликлар қуйидагилардан иборат:

- сўз охиридаги [а] товушининг ифодаланишида фарқлар кўринади, яъни у «о» ёки «!» ҳарфлари билан ёзилган. Масалан: «*امنیا*» (М, 57а) – «*امنیه*» (Ш, 56а; С, 102б);

- арабча сўзлардаги «ة» (та' марбута) ўрнида «ت» (та' мандуда) келган. Масалан: «*شهادة*» (шаҳодат, С, 68б) ўрнида «*شهادت*» (Ш, 21б; М, 23б);

- арабча сўзлардаги ҳамзанинг ёзилиши. Масалан: «*قراءة*» (қиро'ат–

<sup>22</sup> Йиғма-қиёсий матн – бу имконият даражасида қўлга киритилган матнларни ўзаро қиёслаш натижасида тузилган муаллиф матннинг нисбатан тўлиқ вариантыдир. Бу ҳақда қаранг: Сирождидинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б. 18.

<sup>23</sup> Қаранг: Сирождидинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б. 9-15.

Ш,40б) ўрнида «قرانت» (С, 88а).

Муаллиф йўл қўйиши мумкин бўлмаган, балки нусха кўчирилишида котиблар томонидан йўл қўйилган хатолар мавжуд:

- туркий сўзларда «ز» ўрнида «ض» ёзилган. Масалан: «بياز» (С, 61б) ва «بياض» (Ш, 14б);

- арабча сўзлардаги «ظ» ўрнида «ض» ва «ز» ҳарфлари билган. Масалан: «ظهيري» (Заҳирий С, 99б;) ўрнида «ضهيري» (М, 54а); «زخيره» (Ш, 48а);

- арабча сўзлардаги «ص» ўрнида «س» келган. Масалан: «تفصير» (тафсир С, 51б; Ш, 4б) ўрнида «تفسر» (М, 4а);

- арабча сўзлардаги «ث» ўрнида «ص» ёзилиши. Масалан: «ثواب» (савоб С, 100а,) ўрнида «صواب» (С, 51б);

- арабча сўзлардаги «ث» ўрнида «س» келиши. Масалан: «مثل» (масал С, 54а; Ш, 6а) ўрнида «مسئل» (С, 55а; Ш, 7б);

- Ш нусханинг биринчи байтида туркий сўз «برچه» (барча) ўрнига «پرچه» (парча) ёзилган, натижада байт мазмунига зиён етган: پرچه دين بورنه قيامتده سوارار (Ш, 1б).

«Мажмаъ ул-масоил» асари қўлёзма матнларининг қиёсий таҳлили давомида қуйидаги асосий фарқлар кузатилди: нусхаларда байтларнинг тушиб қолиши; байтларнинг орттирилиши; масалаларнинг тушиб қолиши ёки орттирилиши; байтлар ўрнининг алмашиши; манба номланишидаги фарқлар; сўзнинг турли шаклларда ёзилиши; сўз алмашиши; мисралар фарқи; ёрдамчи сўзларнинг ёзилиши; қўшимчаларнинг ёзилиши.

Шу фасл таркибида «Мажмаъ ул-масоил» асари йиғма-қиёсий матнини тузиш тамойиллари ишлаб чиқилди. Йиғма матн тузишда таянч нусха танлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бундай матнларни юзага келишида мавжуд қўлёзмалардан таянч нусхани белгилаб олиш муҳим ҳисобланади. Таянч нусха сифатида имкон қадар тўлиқ, бошқаларига қараганда ташқи нуқсонлари кам, хатолари, ноаниқ жойлари оз бўлган «С» нусха танланди. «С» нусхада матн жуда чиройли ҳуснихатда тартиб билан кўчирилган, шунингдек, ундаги байтлар сони бошқа нусхалардан зиёдроқ. Маълумки, таянч нусхани танлаб олишда, биринчидан, асар қўлёзмасининг бошқа нусхаларига қараганда тўлиқлиги, қандай сақланганлиги эътиборга олинади<sup>24</sup>. Асарнинг муаллиф ёки ишончли қадимий қўлёзма нусхалари мавжуд бўлмай, бор нусхалари кам сонли бўлган ҳолларда матншуносликнинг назарий асосларига кўра йиғма-қиёсий матн амалга оширилади. Бундай матн муаллиф асари ҳақида тўлиқ тасаввур уйғотиш учун тузилади<sup>25</sup>. «Мажмаъ ул-масоил»нинг танлаб олинган уч қўлёзма нусхаси матний хусусиятлари ўрганиб чиқилди ва асарнинг йиғма-қиёсий матни тузилди.

Мазкур тадқиқот ишига жалб қилинган асар матнидаги фарқлар, нуқсонларни аниқлашда А.Н.Кононовнинг қиёсий матн тузиш принципларидан фойдаланилди. Матн ичида маълум сўзларга қўйилган

<sup>24</sup> Содиқов Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Т., 2017. – Б. 169.

<sup>25</sup> Сирожиддинов Ш., Умарова С. Ўзбек матншунослиги қирралари. – Т.: Akademnashr, 2015. – Б. 18.

рақамлар ва \* белгиси таянч ва ёрдамчи нусхалардаги ўзаро фарқларга ишора қилади. Тафовутлар изоҳи сатр остида матн аппаратида берилди.

Асарнинг юздан ортиқ саҳифасининг йиғма-қиёсий матни тадқиқотнинг илова қисмида берилган. Келгусида «Мажмаъ ул-масоил»нинг жорий алифбодаги тўлиқ матни ва йиғма-қиёсий матнини нашр этиш режага киритилган.

«Мажмаъ ул-масоил» матни «С» нусха асосида тикланиб, ёрдамчи икки манба шу қўлёзма матни билан солиштирилди. «С» нусхада мавжуд бўлмаган сўз ёки байтлар ёрдамчи нусхалар ёрдамида тикланди.

Йиғма-қиёсий матн тузишда таянч нусха ва қиёсда фарқ қилувчи сўз, сўз бирикмалари ёки мисралар илмий аппаратда манбанинг шартли белгиси ва унинг ёнида асосий матнда фарқ қиладиган бўлакни кўрсатиш орқали ифодаланган.

Навбатдаги фарқ бир сўз фақат бир манбада фарқланса: масалан, таянч нусханинг 53а саҳифасида келтирилган انکا сўзи ўрнида М нусхада منکا сўзи ишлатилган. Бундай тафовутни ифодалаш учун асосий матндаги انکا сўзининг олдида тартиб рақами қўйилиб, сатр остида худди шу рақам билан қўлёзманинг шартли белгиси ва фарқ қилувчи сўз <sup>1</sup>М انکا қуйидагича кўрсатилган:

واجب ايرمس غسل انکا<sup>1</sup> ای فتا

<sup>1</sup>М منکا

Асосий матндаги бирор сўз ёки сўз бирикмаси ёрдамчи манбаларнинг ҳар иккисида ҳам турлича фарқ қилса, сатр остида айна сўз охирига қўйилган тартиб рақамига мос тартиб рақам остида манбалар навбат билан берилиб сўз кўрсатилди. Масалан, таянч нусхадаги قيلماس сўзи Ш ва М нусхаларда قيلسه шаклида ёзилган. Бундай фарқ матн аппаратида қуйидагича келтирилган:

<sup>1</sup>Ш, М قيلسه

Агар сўз манбаларда турли сўзлар билан фарқланса, масалан, таянч нусхадаги السون сўзи каби қуйидагича кўрсатилди:

اول جواب السون<sup>1</sup> سنکا حق یخشى دور

<sup>1</sup>Ш, М اتسون م ایسون

Асосий матнда мавжуд бўлмаган бирикмалар, мисра ва байтлар ёрдамчи нусхалар асосида тўлдирилди, яъни бунда тўлдирилган ерга, агар байт бўлса, ўша байтдан кейин келган байтнинг бошига тартиб рақами ва матн аппаратида ўша сўз ёки байт мавжуд манбанинг шартли белгиси, сўнгра мос равишда «сўзи бор», «байт бор» деб, ундан сўнг тўлдирилган сўз ёки байт берилган<sup>26</sup>. Масалан:

فی المثل کر اولسه فی الغور ای پسر<sup>1</sup>

